

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАЛИМБЕТОВ МУСА АЯПБЕРГЕНОВИЧ**

**САЛАТБОП ВА БАРГ ШОЛҒОМНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИГИГА БАҲОРГИ ВА ЁЗГИ  
ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ  
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА)**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Джалимбетов Муса Аяпбергенович**

Салатбоп ва барг шолғомнинг морфо-биологик хусусиятлари ҳамда ҳосилдорлигига баҳорги ва ёзги экиш муддатларининг таъсирини аниқлаш (Қорақалпоғистон шароитида)..... 3

**Джалимбетов Муса Аяпбергенович**

Установление влияния весеннего и летнего сроков посева на морфо-биологические особенности и урожайность салатной и листовой репы (в условиях Каракалпакстана)..... 21

**Djalimbetov Musa Ayapbergenovich**

Determination of the influence of spring and summer seeding times on the morfo-biological characteristics and productivity of salad turnip and leaf turnip (in the conditions of Karakalpakstan)..... 39

**Эълон қилинган ишлари рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАЛИМБЕТОВ МУСА АЯПБЕРГЕНОВИЧ**

**САЛАТБОП ВА БАРГ ШОЛҒОМНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИГИГА БАҲОРГИ ВА ЁЗГИ  
ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ  
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА)**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Qx1259 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sabzavotilm.uz](http://www.sabzavotilm.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Дусмуратова Саодат Исмаиловна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Асатов Шухрат Исматович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Сапарниязов Иномжан Артиқбаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 23 » октябр, соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКИТИ. Тел: (+99878) 226-85-03; факс: (+99878) 226-85-03; e-mail: savzavot\_info@umail.uz..

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 4/2025 -рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКИТИ. Тел: (+99878) 226-85-03;

Диссертация автореферати 2025 йил « \_\_\_ » октябр куни тарқатилди.  
(2025 йил \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

.....**А.Низомов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

.....**Ф.Ф.Расулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қишлоқ хўжалиги буйича фалсафа фанлари доктори, катта илмий ходим

.....**А.Ж.Шокиров**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё бўйича шолғом 1,4 миллион гектар майдонда етиштирилмоқда ҳамда йиллик ялпи ҳосил тахминан 38,8 минг тоннани ташкил этмоқда. Ўртача ҳосилдорлик эса 28,4 т/га ни ташкил қилади. Бунда АҚШ, Япония, Хитой, Ирландия, Исроил, Россия, Швеция, Буюк Британия, Белгия ва бошқа Европа мамлакатларида шолғом асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири ҳисобланади. Шолғомнинг шундай тезпишар навлари борки, худди редискага ўхшаб, қисқа вақт ичида пишиб етилади. Бу навлар япон селекциясига мансуб бўлиб, Япония, Ҳиндистон, Россия, Канада, Дания, Франция, Италия, Голландия ва бошқа давлатларда экиб етиштирилади. Шолғомнинг кенг тарқалиши ва иқтисодий аҳамияти унинг тезпишарлиги, ширин мазаси, озиқалик қимматлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Аҳолининг соғлом овқатланиш тарзини ташкил этишда витаминларга ва минерал тузларга бой бўлган янги турдаги сабзавотлар ассортиментини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган салатбоп ва барг шолғомни етиштириш технологиясини такомиллаштириш орқали республикамизга интродукция қилиш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда салатбоп ва барг шолғом Европанинг бир қатор мамлакатларида ва Россия Федерациясида етиштирилиб, янги навлари яратилмоқда. Республикамининг ҳар бир худуди тупроқ-иқлим шароитларида ноанъанавий экинларни етиштириш орқали маҳаллий аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқроқ қондириш бугунги кунда сабзавотчиликдаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони<sup>1</sup>, ҳамда 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармон 30-мақсадида: «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, жумладан экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш» каби устувор вазифалар белгиланган.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36-сон “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги<sup>4</sup> фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 06-апрелдаги ПҚ-113-сон “2023 йилда қишлоқ

<sup>1</sup>FAO, 2023, Food and Agriculture Organization of United Nations (<http://fao.ru>) [117].

<sup>2</sup><https://lex.uz/uz/docs/4567334> <https://lex.uz/uz/docs/4567334>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/pdfs/5841077>

<sup>4</sup><https://lex.uz/uz/docs/-6802687>

<sup>5</sup><https://lex.uz/uz/docs/-6424449>

хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори<sup>5</sup>, шунингдек, соҳага оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифа ва мақсадларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари самарали ҳисса қўшади ва хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига тўлиқ мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий давлатларнинг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларида салатбоп ва барг шолғомни етиштириш, аҳолининг сабзавотларга бўлган талабини қондириш, ҳосилдорлик ва сифатини оширишга қаратилган ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича изланиш ишлари дунёнинг етакчи илмий марказларида ва нуфузли олий таълим муассасаларида жумладан, National Institute of Food and Agriculture (NIFA) (АҚШ), Ministry of Agriculture, Forestry and Fisheries of Japan-Tokyo (Япония), National Institute of Agrobiological Resources (Япония), Россиянинг Федерал сабзавотчилик илмий маркази (ФГБНУ ФНЦО олдинги ВНИИССОК), Қозоғистон Республикаси сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), шунингдек, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон)илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон шароитида салатбоп шолғомнинг турли нав намуналарини ўрганиш ва истиқболли маҳаллий навларни танлаб олиш ҳамда уларни интродукция қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий тажриба станциясида М.Х.Арамов ва Б.Т.Турдикуловлар (2003 й,) ва Тошкент вилояти шароитида А.М.Рахматов (2011-2023 й) томонидан олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида салатбоп шолғомнинг Муяссар нави (2004 й,) ва Гулшод нави (2016 й,) ҳамда барг шолғомнинг Дармон нави (2016 й,) яратилган ва Давлат реестрига киритилган. Ўзбекистоннинг марказий иқлим шароитида А.М.Рахматов (2015-2018 йй) салатбоп ва барг шолғомни етиштиришда озикланиш майдони, минерал ўғитларни қўллаш ҳамда суғориш меъёрларини аниқлаш бўйича амалий лойиҳа доирасида тадқиқотлар олиб борган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Мевачилик, сабзавотчилик ва полизчилик” кафедрасининг №8-2 “Қорақалпоғистонда сабзавот ва полиз экинлари турларини етиштиришнинг инновацион технологияларини илмий асослаш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

**Тадқиқотлар мақсади** - Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида ноанъанавий сабзавотлар салатбоп ва барг шолғомнинг морфо-

биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда ҳосилдорлигига баҳорги ва ёзги экиш муддатларининг таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистон шароитида ноанъанавий сабзавот экинлари салатбоп шолғом ва барг шолғомнинг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

салатбоп ва барг шолғом уруғларининг лаборатория ва дала шароитида унувчанлик хусусиятларни аниқлаш;

салатбоп ва барг шолғомни баҳорги ва ёзги мавсумда оптимал экиш муддатларини аниқлаш;

ҳар хил экиш муддатларида етиштирилган салатбоп ва барг шолғомнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

салатбоп шолғом барглари ва илдизмевалари, барг шолғом баргларининг биокимёвий таркибига баҳорги ва ёзги экиш муддатларининг таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб салатбоп шолғомнинг “Гулшод” нави ва барг шолғомнинг “Дармон” нави уруғлари, ўсимликлари, барглари ва илдизмевалари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида салатбоп ва барг шолғомнинг баҳорги ва ёзги экиш муддатларида морфо-биологик хусусиятлари, ўсимликлар ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, барглари ва илдизмеваларининг биокимёвий таркиби ва хўжалик қимматли белгилари хизмат қилган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотлар лаборатория ва дала шароитларида қуйидаги сабзавотчиликда умумқабул қилинган услублар асосида олиб борилган: “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” (Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б., 2002); “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте” (1987); “Методика полевого опыта в овощеводстве” (Литвинова С.С., 2011); “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве” (Белик В.Ф., 1992); “Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции корнеплодов (свекла, репа, турнепс, брюква)” (Брежнев Д.Д., 1977); ва ОСТ 46-71-78. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили “Excel 201,0” ва “Statistica 7.0 for Windows” компьютер дастурида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан “Методика полевого опыта” (Доспехов Б.А., 1985) дисперсион усули бўйича ҳисобланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ноанъанавий экинлардан ҳисобланган салатбоп ва барг шолғом ҳар томонлама ўрганилиб, морфологик, биологик хусусиятлари ва уларнинг қимматли хўжалик муҳим белгилари аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитида салатбоп ва барг шолғом уруғларининг дала унувчанлиги аниқланган;

салатбоп шолғомнинг Гулшод ва барг шолғомнинг Дармон навларини баҳорги мавсумда 4 та (1 апрель, 10 апрель (назорат), 20 апрель, 1 май), ёзги мавсумда 4 та (20 июль, 1 август (назорат), 10 август, 20 август) экиш муддатларининг ўсимликларларнинг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига

турлича таъсири исботланган.

салатбоп ва барг шолғомнинг баҳорги мавсумда 20 апрелда, ёзги мавсумда салатбоп шолғомни 1-10 августда, барг шолғомни 20 июлда энг мақбул экиш муддатлари аниқланган;

Қорақалпоғистон шароитида баҳорги ва ёзги мавсумда турли муддатларда экилган салатбоп шолғом барглари ва илдизмевалари, барг шолғом барглариининг биокимёвий таркиби лаборатория таҳлиллари асосида аниқланган;

баҳорги ва ёзги мақбул экиш муддатларида етиштирилган салатбоп ва барг шолғомдан юқори даромад олишда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида ноанъанавий сабзаёт экинлари салатбоп ва барг шолғомнинг морфо-биологик ва хўжалик қимматли белгилари, уруғларининг лаборатория ва дала унувчанлиги аниқланганлиги;

синалган баҳорги экиш муддатларида салатбоп шолғомнинг “Гулшод” нави ҳамда барг шолғомнинг “Дармон” навини апрел ойи иккинчи декадасида экиш муддати мақбул деб топилганлиги, бунда салатбоп шолғом ҳосилдорлиги 38,7 т/га ва барг шолғомда 14,7 т/га олишга эришганлиги;

Ёзги мавсумда синалган экиш муддатларида салатбоп шолғомни 10 август ҳамда барг шолғомни 20 июл мақбул деб топилган. Кўрсатилган муддатларда салатбоп ва барг шолғом биокимёвий сифат кўрсаткичлари юқори бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала тажрибалари ҳар йили Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар тўғрисида ҳисоботларни институт илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги; олинган илмий натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилган ноанъанавий сабзаёт экинлари – салатбоп шолғом (*Brassica rapa* L.) ва барг шолғом (*Brassica rapa* L. subsp. *japonica* Sheb.) ривожланиши, морфо-биологик белгилари тадқиқ этилганлиги; баҳорги ва ёзги мавсумда оптимал экиш муддатлари тавсия этилганлиги; ҳамда ушбу экинлардаги муҳим хўжалик қимматли белгилари ўртасида корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси шароитида салатбоп шолғомнинг “Гулшод” ва барг шолғомнинг “Дармон” навларида баҳорги ҳамда ёзги мавсумларда етиштириш учун мақбул экиш муддатлари ишлаб чиқилганлиги билан

ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикаси шароитида салатбоп шолғом ва барг шолғомни баҳорги ва ёзги мавсумда мақбул экиш муддатларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Қорақалпоғистон тупроқ-иқлим шароитида янги экинлар – салатбоп шолғом ва барг шолғомнинг морфо-биологик хусусиятлари ҳамда қимматли хўжалик белгилари баҳолаш, баҳорги ва ёзги мавсумда мақбул экиш муддатлари аниқланиб Қорақалпоғистон Республикасидаги фермер хўжаликларига жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги 05/06-02-309-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон тупроқ-иқлим шароитида сабзавотчиликка ихтисослашган ер майдонларида салатбоп шолғомнинг Гулшод нави ва барг шолғомнинг Дармон навларини етиштириш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида салатбоп ва барг шолғомни баҳорги мавсумда 20 апрелда, ёзги мавсумда салатбоп шолғомни 1-10 августда, барг шолғомни 20 июлда экиш муддатлари Амударё туманидаги “Матназаров Содикбек” ва “Азимжон-Войсак” фермер хўжаликларида жами 3,01 гектар, Чимбой туманидаги “Алақамба” ва “Қонис-Илҳам” фермер хўжаликларида жами 2,36 гектар ва Нукус туманидаги “Айперий Сарбий” ва “Оразбаев Ж” фермер хўжаликларида жами 2,43 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги 05/06-02-309-сон маълумотномаси). Натижада баҳорги муддатда салатбоп шолғомнинг Гулшод навидан – 39,1 т/га, барг шолғомнинг Дармон навидан 16,2 т/га, мос равишда ёзги экиш муддатида – 42,01 ва 19,9 т/га ҳосил етиштирилган, бунда назоратга нисбатан 2,7-2,9 т/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида салатбоп ва барг шолғомнинг баҳорги ҳамда ёзги мавсумда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган ва Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги “Матназаров Содикбек” ва “Азимжон-Войсак” фермер хўжаликларида жами 3,01 гектар, Чимбой туманидаги “Алақамба” ва “Қонис-Илҳам” фермер хўжаликларида жами 2,36 гектар ва Нукус туманидаги “Айперий Сарбий” ва “Оразбаев Ж” фермер хўжаликларида жами 2,43 гектар майдондага жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9 апрелдаги 05/06-02-309-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон тупроқ-иқлим шароитида салатбоп шолғомнинг Гулшод навини баҳорги муддатда етиштиришда ҳар бир гектар ҳисобидан 24,201 минг. сўм, ёзги муддатда – 26,479 минг. сўм, барг шолғомнинг Дармон навини баҳорги муддатда етиштиришда – 17,852 минг. сўм, ёзги муддатда – 22,277 минг. сўм ўртача даромад олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-

амалий анжуманларида ва 1 та амалий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

“Қарақалпақстан Республикаси топырақ-климат шараятында шалғам жетистириў технологияси” бўйича (Óndiriske usinis) қорақалпоқ тилида тавсиянома ишлаб чиқилган. Қорақалпоғистонда сабзавотчиликка ихтисослашган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ушбу тавсиянома дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган асосий илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, илмий-амалий конференцияларда 6 та, жумладан, 3 таси хорижий конференцияларда, 2 таси республика илмий анжуманларида ва 1 та амалий-назарий конференциясида нашр этилган, шунингдек 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши:** таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий-тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Салатбоп ва барг шолғомнинг келиб чиқиши, морфо-биологик хусусиятлари, аҳамияти ва экиш муддатлари” (Адабиётлар шарҳи)** деб номланган биринчи бобида шолғомнинг келиб чиқиши, тарқалиши, классификацияси тўғрисида адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда чет эллик олимларнинг маълумотларига асосланиб шолғом ўсимлигининг морфобиологик тавсифи, дунёнинг турли минтақаларида уни етиштириш технологияси, жумладан экиш муддатлари ва схемалари, очиқ майдонларда етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кенг тарқалган навлари ва уларнинг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари, услуби ва объекти”** деб номланган иккинчи боби юзасидан дала тажрибалари ўтказилган жойнинг тупроқ–иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари таърифланган. Тадқиқотлар мавзуси юзасидан ҳар бир тажрибани ўтказилиш усуллари, дала тажрибаларини олиб

бориш тартиби, тажриба майдончасидаги ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон шароитида салатбоп ва барг шолғомни экиш муддатларини аниқлаш”** деб номланган 3-чи бобининг “Салатбоп ва барг шолғом уруғларининг лаборатория унувчанлиги ва ўсиш қувватини аниқлаш” бўлимида шолғом уруғларини лаборатория шароитида турли тузли концентрациядаги эритмаларда ундирилиб ва унувчанлик натижаларига баҳо берилган. Тадқиқотлар натижасида лаборатория шароитида уруғларни натрий хлор ва натрий сульфат тузларининг 0,3% ва 0,5% ли турли концентрациядаги эритмаларида ундириш натижасида, салатбоп ва барг шолғом уруғлари аралашмасининг юқори концентрациясига муносабати турлича эканлигини кўрсатди.

Натрий хлор ва натрий сульфат тузлари концентрацияси ошгани сари, уруларнинг униш қуввати ва унувчанлиги пасайиб бориши салатбоп шолғомнинг “Гульшод” ва барг шолғомнинг “Дармон” навларида кузатилди. Таъкидлаш лозимки, салатбоп ва барг шолғом навлари уруғлари лаборатория шароитларида тузли аралашмаларнинг 0,3% концентрациясига нисбатан бардошли эканлигини кўрсатди. Дистилланган сувда (назорат) ундирилган уруғларнинг униш қуввати ва унувчанлиги юқори бўлганлиги қайд этилди.

**“Салатбоп ва барг шолғомни баҳорги экиш муддатларининг ўсимликлар ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган 3.2-бўлимида Қорақалпоғистон Республикаси иқлим шароитида уруғларнинг унувчанлиги дала шароитида ўрганилган(1-жадвал).

#### 1-жадвал.

**Салатбоп ва барг шолғом экинларининг уруғларини дала шароитида унувчанлиги бўйича фенологик фазаларнинг давомийлиги, (2021-2023 й.й.)**

Экин тури	Уруғларни экиш-униб чиқиши, %		Уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги, %	Ўсимликлар ёппасига униб чиққандан давр, кун	
	10 %	75 %		1-чи чин барг пайдо бўлиши	5-6 та чин барг пайдо бўлиши
Салатбоп шолғом	21	25	85,5	15	28
Барг шолғом	25	30	85,6	15	25


Салатбоп шолғомнинг “экиш-униб чиқиш” даври баргли шолғомникидан 5 кун олдин бўлишига қарамай, биринчи чинбаргнинг пайдо бўлиши иккала экин турида ҳам 15 кунни ташкил этди, дала унувчанлиги эса деярли бир хил – 85,5% бўлди.

Лекин салатбоп шолғомда баҳорги муддатда майсалар ёппасига униб чиққандан ёппасига 5-6 та чин барг пайдо бўлишига 28 кун керак бўлган бўлса, барг шолғомда 25 кун талаб этилди.

Салатбоп шолғомни баҳорги экиш муддатларининг ўсимликлар ривожланиши ва ҳосилдорлигига битта ўсимликдаги барг сони, барг эни, барг узунлиги, ва илдизмевасининг морфологик белгилари таъсири ўрганилди.

Назоратга нисбатан экилган салатбоп шолғомнинг барг узунлиги 33,9 см ташкил этган бўлса, биринчи муддатда бу кўрсаткич 32,3 см кам ёки иккинчи муддатга нисбатан 95,3 % фоизни ташкил этди. Тўртинчи муддатда ҳам мувофиқ равишда барг узунлиги 29,1 см бўлди. Назорат иккинчи муддатга нисбатан 85,8 фоизга кам демакдир. Ўрганилаётган муддатлар ичида барг узунлиги учинчи муддатда энг юқори бўлиб, 38,7 см ташкил этди. Бу эса назоратга нисбатан 114,2 фоизга кўп демакдир.

Иккинчи экиш муддатида назоратга нисбатан илдизмеванинг баландлиги 13,8 см ни ташкил этган бўлса, учинчи муддатда эса илдизмева баландлиги 14,4 см бўлди. Бу эса назорат муддатга нисбатан 0,6 см ёки 102,3 фоизни ташкил этди. Бу эса назорат муддатга нисбатан 0,6 см ёки 102,3 фоизга баланд демакдир. Умумий ҳосил бўйича кузатилган мутаносиблик илдизмева вазнида ҳам кузатилди, иккинчи муддатда ўртача илдизмева вазни 129,9 г ни ташкил этган бўлса, биринчи ва тўртинчи муддатларда бу кўрсаткич 9,0-12,7 г га кам бўлди. Учинчи муддатда мувофиқ равишда назорат муддатга нисбатан илдизмева ўртача вазни 5,7 г га кўп бўлганлиги кузатилди (1-расм.).



**1-расм. Баҳорги экинда салатбоп шолғомни “Гулшод” навини илдизмевасини биометрик кўрсаткичлари (2021-2023 йй.)**

Ўрганилган баҳорги турли экиш муддатлари ўртасида энг юқори ҳосилдорлик учинчи муддатда бўлиб, йиллар бўйича ўртача 38,7 т/га ни ташкил этди. Бу эса назорат муддатга нисбатан 1,6 т/га ёки 104,3% ташкил этади. Баҳорги муддатлар ўртасида товарбоп ҳосилдорлик бўйича барча муддатларда яхши кўрсаткичлар кузатилди ва умумий ҳосилнинг 96,8-98,6 фоизини ташкил этди.

Салатбоп шолғомдан баҳорги муддатларда экиб юқори ва сифатли ҳосил олиш учун Гулшод навини 10-20-апрелларда экиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Ушбу муддатда унинг умумий ҳосилдорлиги 37,1-38,7 т/га ни, товарбоп ҳосилдорлиги 36,6-38,0 т/га ни, илдизмевасининг вазни эса 129,9-135,6 г ташкил этади.

Баҳорги турли муддатларда экилган барг шолғомнинг морфологик

белгиларига таъсири ўрганилди, бунда иккинчи муддатда экилган барг шолғом баргининг узунлиги 21,6 см ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

**Баҳорги турли муддатларда экилган барг шолғом “Дармон” нави баргининг морфологик тавсифи (2021-2023 й.й.)**

Вариантлар	Барг						
	узунлиги, (см)	назоратга нисбатан, %	эни, (см)	назоратга нисбатан, %	индекси	битта ўсимликда аги сони, дона	назоратга нисбатан, %
1-апрел	19,80±0,51	91,2	8,88±0,21	92,7	2,22	7,12±0,24	95,9
10-апрел (назорат)	21,68±0,57	100,0	9,64±0,34	100,0	2,26	7,47±0,20	100,0
20- апрел	23,43±0,39	107,8	11,31±0,28	117,7	2,07	9,32±0,25	124,0
1-май	20,50±0,44	94,5	9,07±0,27	94,8	2,25	7,15±0,20	96,0

Барг шолғомни баҳорда очик майдонларда етиштиришда, битта ўсимликда барг сони иккинчи муддатда 7,4 донани ташкил этиб, битта ўсимликдаги барг сонининг энг катта барг узунлигига корреляцион боғлиқлиги кучли (0,99±0,05) бўлди. Барг шолғом ўсимлиги 1-апрелда экилган вариантда битта ўсимликдаги барглар сони иккинчи вариантга нисбатан бироз кам (7,1 дона) бўлиб, назоратга нисбатан 95,9 фоизни ташкил этди, битта ўсимликдаги барглар сонининг энг катта барг узунлигига корреляцион боғлиқлиги (0,94±0,12) кучли бўлганлиги қайд этилди.

Баҳорги муддатларда экилган барг шолғом ҳосилдорлиги экиш муддатларига қараб турлича бўлди. Бунда иккинчи муддатда (10-апрелда) экилган барг шолғом ҳосилдорлиги ўртача йиллар бўйича 13,4 т/га ташкил этди. Бунда биринчи муддатда ҳосилдорлик 12,3 т/га ва тўртинчи муддатда эса 10,5 т/га ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан 1,1 т/га ва 2,9 т/га кам ёки 91,8 % ҳамда 78,4 % бўлганлиги қайд этилди.

Ушбу мутаносиблик товарбоп ҳосилдорликда ҳам кузатилди. Муддатлар ўртасида товарбоп ҳосилдорлик умумий ҳосилнинг 93,3-98,6% ни ташкил этди.

Тажрибалар ўртасидаги фарқланиш унчалик катта бўлмаганлиги, тажрибалар тўғри олиб борилганлигидан далолат беради.

“Ёзги экиш муддатларида салатбоп шолғомнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлиги” 3.3-бўлимида салатбоп шолғомнинг барги ва илдизмевасининг морфологик белгиларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ёзги экинда турли экиш муддатларида салатбоп шолғомнинг “Гулшод” навинида энг кенг барги эни назоратга нисбатан учинчи экиш муддатида (10 август)да қайд этилди.

Салатбоп шолғомнинг “Гулшод” нави илдизмеваси узунлиги 20-июл экиш муддатида – 9,2 см, 1-август (назорат) – 10,4 см, 10-августда– 11,3 см ва 20-августда – 7,7 см, шунингдек, 20-июлда – 6,1 см, 1-августда (назорат) – 6,2 см, 10-августда – 6,5 см ва 20-августда – 5,9 см диаметр бўлгани аниқланди.

Ёзги экинда 2021-2023 йиллар бўйича ўртача майдон бирлигидан энг юқори умумий ҳосилдорлик 10-августда – 40,4 т/га бўлиб, назорат 1-август

(35,5 т/га) экиш муддатига нисбатан кам умумий ҳосилдорликни 20-июл (34,4 т/га) ва 20-август (26,6 т/га) экиш муддатларида аниқланди. Салатбоп шолғомнинг ёзги экинда умумий ҳосилдорликда ЭКФ05 – 1,54 т/га ва Sx% – 0,40 % ташкил этди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Ёзги муддатларда экилган салатбоп шолғомнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2021-2023 йй.)**

Экиш муддатлари	Умумий ҳосилдорлик, т/га				назоратга нисбатан, %	Товарбоп лиги т/га	Товарбоп лиги, %	Илдишмева сининг ўртача вазни, г.
	2021 йил	2022 йил	2023 йил	ўртача				
20-июл	33,6	34,1	35,5	34,4	96,8	33,3	98,9	131,63 ±0,67
1-август (назорат)	36,2	34,2	36,2	35,5	100,0	35,0	98,6	135,11 ±0,57
10-август	42,9	37,2	41,2	40,4	113,8	39,8	98,5	147,39 ±0,70
20-август	28,9	25,1	25,8	26,6	74,9	25,7	96,6	126,36 ±0,59
ЭКФ 05	1,53	1,36	1,75					
Sx, %	0,38	0,37	0,44					

**Қорақалпоғистон шароитида барг шолғомни ёзги экиш муддатларини аниқлаш** деб номланган 3.4-бўлимида ёзги экиш муддатларининг барг шолғомнинг морфологик белгилари, фенологик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ёзги турли экиш муддатларида экилган барг шолғомнинг фенологик фазаларининг давомийлиги биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб узайиб борди. Тўртинчи муддатда (20-август) 4-5 та чин барг пайдо бўлишигача 15 кун, истеъмол учун яроқли ўсимликлар ҳосил бўлишигача 30 кун талаб этилди. Бу эса биринчи муддатга нисбатан мувофиқ равишда 5 кунга кўп демакдир.

Ёзги турли муддатларда экиш барг шолғомнинг морфологик белгиларига сезиларли даражада таъсир этганлиги кузатилди. Бунда барг узунлиги (31,2 см), эни (14,6 см) ва битта ўсимликдаги барг сони (9,1 дона) бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар биринчи муддатдаги ўсимликларда кузатилди. Биринчи муддатда (20 июл) барг узунлиги назоратга нисбатан 1,5 см ошгани кузатилди. Бунда барг узунлиги биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиши кузатилди.

Ёзги муддатларда экилган барг шолғом ҳосилдорлиги экиш муддатларига қараб турлича бўлди. Бунда назорат вариант, биринчи августда экилган барг шолғом ҳосилдорлиги 18,0 т/га ташкил этди. Ҳосилдорлик биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб пасайиб борганлиги кузатилди.

Бунда тўртинчи муддатда экилган барг шолғомнинг умумий ҳосилдорлиги 14,7 т/га ташкил этди. Бу назорат муддатдагига нисбатан 3,3 т/га кам ёки 81,9 фоиз ташкил этди. Ўрганилган ёзги экиш муддатларида энг юқори ҳосилдорлик 1 муддат - 20 июлдаги вариантда кузатилиб, гектарига 18,8 т/га ташкил этди. Бу назорат вариантга нисбатан 0,8 т/га юқори ёки 104,4 фоиз демакдир (4-жадвал).

**Ёзги турли муддатларнинг барг шолғом Дармон нави ҳосилдорлигига таъсири, (2021-2023 й.й.)**

Экиш муддатлари	Ҳосилдорлиги, т/га				Назоратга нисбатан, %	Товарбоп ҳосил, %	Битта ўсимликнинг ўртача вазни	
	2021 йил	2022 йил	2023 йил	ўртача			г.	%
20-июл	18,9	19,1	18,4	18,8	104,4	99,1	60,7	105,9
1-август (назорат)	17,2	18,1	18,7	18,0	100,0	99,4	57,3	100,0
10-август	16,5	16,8	15,9	16,4	91,1	96,3	51,1	89,2
20-август	15,2	14,7	14,3	14,7	81,7	96,1	49,1	85,7
ЭКФ <sub>05</sub>	0,45	0,51	0,51					
Sx,%	0,23	0,26	0,27					

Лекин, ёзги экиш муддатларининг барг шолғом ҳосилининг товарбоплигига таъсири кузатилмади. Бунда товарбоп ҳосил умумий ҳосилнинг 96,1-99,1% ташкил этди. Бизнинг фикримизча, товарбоплик даражаси юқорилиги ўрганилган барг шолғомнинг Дармон нави наводорлик даражаси юқори бўлганлиги деб хулоса қилдик. Бунда ўртача битта ўсимлик вазни ҳосил йиғиш пайтида 60,7 г ташкил этди. Ҳосилдорликда кузатилган битта ўсимликнинг ўртача вазни биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб боргани қайд этилди.

Ишнинг “Турли мавсумларда ва муддатларда салатбоп ва барг шолғомни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган 3.5-бўлимида турли экиш муддатларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги томонидан чоп этилган “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар” 2016-2021 йиллар учун (II қисм) ва 2022 йил учун (III қисм) “Шолғом етиштиришда қўлланиладиган технологик карталардан фойдаланилди.

Ҳосилни йиғиштириш ва транспортда ташишга кетган харажатлар гектардан олинган ҳосилдорликка боғлиқ бўлди. Баҳорги турли муддатларда салатбоп шолғом етиштириш бўйича муддатлар ўртасида энг юқори рентабеллик кўрсаткич учинчи ва тўртинчи муддатларда бўлиб, рентабеллик даражаси 97,0-100,6 % ни ташкил этди.

Айнан шу учинчи муддатда экиш муддатлари тўғри танлашдан олинган соф фойда қолган муддатларга нисбатан 1 280 минг сўмни кўп фойда олишга эришилди (5-жадвал).

Барг шолғом парваришlash бўйича технологик картада устама харажатлари 25% деб белгиланган. Унга мувофиқ бу харажатлар миқдори жами харажатлар

кўрсаткичларидан келиб чиққан ва кўшимча равишда кутилмаган харажатлар 20 % чиқиб қолиши ҳисобга олинди. Барча харажатлар 2-муддатда экилган вариантида гектарига 7 990 минг сўмни ташкил қилди. Рентабеллик даражаси ҳосилдорлик ошган сари ўзгариб борган. Иккинчи муддатда экилганда рентабеллик даражаси 151,6 %, учинчи муддатда экилганда 166,6 %, тўртинчи муддатда 114,0 % ни ташкил этди.

**5-жадвал.**

**Баҳорда турли муддатларда экилган салатбоп шолғом Гульшод навининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (2021-2023 й.й.)**

Кўрсаткичлар	1-апрел	10-апрел (назорат)	20-апрел	1-май
Уруғ, ўғит, парваришlash ва бошқа харажатлар, минг сўм	5 568	5 568	5 568	5 568
Ҳосилни йиғиштириш ва транспорт харажатлари, минг сўм	6 920	7 420	7 740	6 700
Жами харажатлар, минг сўм	12 488	12 988	13 308	12 268
Устама харажатлар, 25% минг сўм	3 122	3 247	3 327	3 067
Кутилмаган харажатлар 20% минг сўм	2 498	2 598	2 662	2 454
Барча харажатлар, минг сўм	18 107	18 832	19 296	17 788
Ҳосилдорлик, т/га	34,6	37,1	38,7	33,5
Ҳосилни нархи, минг сўм	34600	37100	38700	33500
Соф даромад, минг сўм	16 493	18 268	19 404	15 712
1 тонна маҳсулот таннархи, минг сўм	523,3	507,6	498,6	531,0
Рентабеллик даражаси %	91,1	97,0	100,6	88,3

Салатбоп шолғом навларини ёзги турли муддатларда етиштиришда бир гектар майдонга сарфланган жами харажатлар, 2021-2023 йиллардаги ўртача товар ҳосилдорлик, янги қовланган ҳосилнинг ўртача нархи каби, кўрсаткичлар ҳисобга олинди. 10-августда экилган муддатда ҳосилнинг умумий нархи 40.400 минг сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич назорат вариантдан 113,8 % га кўп бўлди. Учинчи вариантдан олинган соф даромад 26.017 минг сўм рентабеллик даражаси 180,9 % бўлгани қайд этилди.

Ёзги турли муддатларда барг шолғомнинг рентабеллик даражаси биринчи муддатда энг юқори бўлиб, 98,9 % ни ташкил этди. Қолган муддатларда рентабеллик даражаси умумий ҳосилдорликка боғлиқ бўлиб, биринчи муддатга нисбатан камайиб боргани қайд этилди.

Диссертациянинг “Қорақалпоғистон шароитида салатбоп ва барг шолғомнинг биокимёвий таркибига экиш муддатларининг таъсири” деб номланган 4 боби, 4.1 бўлимида “Қорақалпоғистон шароитида турли экиш муддатларида етиштирилган салатбоп шолғом илдизмеваси ва барглариининг биокимёвий таркиби” бўлимида баҳорги турли экиш муддатларида салатбоп шолғом баргининг биокимёвий моддалар таркиби биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб борганлиги қайд этилган. Бизнинг фикримизча, экиш


муддатлари кечиккани сари, ўсимликларнинг ўсув даври кунларининг иссиқ пайтига тўғри келиши сабаб бўлди.

Салатбоп шолғомнинг “Гулшод” нави баргини 1-апрел етиштирилганида қуруқ моддалар миқдори 8,2 % бўлиб, назорат 10-апрел экиш муддатида 7,8 %, 20-апрелда 7,6% ва 1-майда 6,8 % бўлгани, мос равишда – 0,4 %; 0,2 ва 1,0 % кам бўлганлиги қайд этилди.

Барглардаги қанд миқдори таҳлил қилинганида, 10 апрелда экилган назорат муддатида 5,1%, 20 апрелда экилганда 4,9% ва 1 майда экилганда 4,2% ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 1 апрелда экилган салатбоп шолғомда (5,4%) қанд миқдорига нисбатан пастроқ натижани намоён қилди.

Шунингдек, барглар таркибидаги энг юқори нитрат 1-апрел (175,1 мг/кг) намоён қилиб, унга нисбатан назорат 10-апрел (168,9 мг/кг), 20-апрел (165,5 мг/кг) ва 1-май (147,8 мг/кг) экиш муддатларида (мос равишда) – 6,2 кўп; 3,4 ва 21,1 мг/кг кам нитрат тўплаганлиги маълум бўлди.

Баҳорги экинда салатбоп шолғомнинг “Гулшод” нави илдизмевасининг биокимёвий таркиби таҳлил қилинганида 1-апрел (10,5%) экиш муддатига нисбатан қуруқ модда назорат 10.04 муддатида (10,7%), 20.04 (11,0%) ва 1.05 майда (9,7%) ташкил этиб, тегишлича назоратга нисбатан – 0,2% кам; 0,3% кўп ва 1,0% кам бўлганлиги аниқланди (2-расм).




**2-расм. Баҳорда турли экиш муддатларида экилган салатбоп шолғом илдизмевасининг биокимёвий сифат кўрсаткичлари (2021-2023 йй).**

Шунингдек, илдизмевадаги қанд миқдори таҳлил қилинганида 1-апрел муддатида (3,1%) назорат 10-апрел экиш муддатига нисбатан бир хил (3,1%), 20-апрелда (2,8%) ва 1-майда (1,9%), назоратга нисбатан 0,3 ва 1,2% кам қанд миқдори тўпланган. С витамини миқдори 1-апрелдаги муддатда 42,1 мг%, назорат 10-апрелда -38,7 мг%; 20-апрелда - 35,5 мг% ва 1 майда - 28,8 мг% бўлган.

Диссертациянинг тўртинчи боби 4.2-параграфидида “Турли баҳорги муддатларининг барг шолғом барглари биокимёвий таркибига таъсири” ўрганилган. Унда “Дармон” навли барг шолғомнинг биокимёвий таркиби, қуруқ моддалар миқдори, қанд ва С витамини миқдори, шунингдек, нитратларнинг тўпланиши таҳлил қилинган. Баҳорги экинда барг шолғомнинг “Дармон” нави етиштирилганида баргида 1-апрел муддатида қуруқ модда миқдори - 17,7 %, назоратга нисбатан учинчи муддатда 0,9 % кўп бўлгани қайд этилди.

Ёзги турли экиш муддатларида экилган барг шолғомнинг “Дармон” навини биокимёвий таркиби 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ёзги экиш муддатларида барг шолғом баргининг биокимёвий сифат кўрсаткичлари, 2021-2023 й.й.

Ёзги экиш муддатлари барг шолғом баргининг биокимёвий таркибига ҳам сезиларли даражада таъсир этди. Ўрганилган муддатга қараб барг шолғом баргининг биокимёвий таркибининг турлича бўлиши бизнинг фикримизча, иккинчи ва учинчи муддатларда барг шолғом ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши бироз бўлсада, қулай шароитларда амалга ошиши билан боғланди.

Диссертациянинг 4 боби, “Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш” деб номланган 4.3-бўлимида Қорақалпоғистон шароитида салатбоп ва баргли шолғомнинг энг яхши баҳорги ва ёзги экиш муддатларининг ишлаб чиқариш синовлари натижалари келтирилган.

Илк бор Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида янги экинлар - салатбоп ва баргли шолғомнинг морфо-биологик хусусиятлари ва қимматли хўжалик белгилари баҳоланган, баҳорги ва ёзги мавсумларда мақбул экиш муддатлари аниқланган. Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида салатбоп шолғомнинг "Гулшод" ва баргли шолғомнинг "Дармон" навларини етиштириш имконини берган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 9 апрелдаги 05/06-02-309-сон маълумотномаси).

## ХУЛОСАЛАР

Қорақалпоғистон Республикасида салатбоп ва барг шолғомнинг морфо-биологик хусусиятлари ҳамда ҳосилдорлигига баҳорги ва ёзги экиш муддатларининг таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Баҳорги мавсумда салатбоп шолғомда синалган 4 та муддатларда (1-апрел; 10-апрел (назорат); 20-апрел; 1-май) уруғларни экишдан то майсалар уни чиқишигача бўлган давр биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб қисқариб бориши кузатилди, бунга сабаб, ўсимликлар учун мўътадил ҳароратлар вужудга келишидир. Апрель ойи бошларида экилган уруғлар 25 кунда қийғос униб чиққан бўлса, 20 апрел ва 1 май санасида экилганида, ушбу давр тегишлича 13 ва 11 кунни ташкил этди.

2. Ўсимликлар ўсиб-ривожланиши ва истеъмолбоп илдизмевалар ҳосил бўлиши даврий фазаларида ҳам юқоридаги қонуният сақланиб турди ва бу кунлар сони синалган муддатлар бўйича тегишлича: 66, 63, 58 ва 53 кунни ташкил этди.

3. Баҳорги турли муддатлар битта ўсимликдаги барглар сонига сезиларли даражада таъсир қилди. Салатбоп шолғомнинг барг узунлиги биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб қисқариб борди. Ўрганилаётган муддатлар ичида барг узунлиги учинчи муддатда устун бўлиб, 38,7 см ёки назорат (иккинчи муддат)га нисбатан 114,2 фоизни ташкил этди. Ўрганилаётган барча муддатларда битта ўсимликдаги барг сонининг барг энига ва бўйига корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари кучли бўлганлиги ( $r=0,75-0,93$ ) аниқланди.

4. Баҳорги муддатларда экилган салатбоп шолғом барг ва илдизмевасининг белгилари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар бўйича корреляция коэффиценти кўрсаткичлари ( $r=0,93\pm 0,14$ ) кучли бўлгани қайд этилди.

5. Салатбоп шолғомдан баҳорги муддатларда юқори ва сифатли ҳосил олиш учун Гулшод навини 10-20-апрелларда экиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Ушбу муддатларда унинг умумий ҳосилдорлиги 37,1-38,7 т/га, товарбоп ҳосилдорлиги 36,6-38,0 т/га, қолган муддатларга нисбатан 4,1-5,2 т/га юқори ҳосил олинди, илдизмевасининг ўртача вазни эса 129,9-135,6 г ташкил этди.

6. Барг шолғомни Қорақалпоғистон шароитида эртаги маҳсулот олиш ҳамда юқори ҳосил етиштириш учун Дармон нави уруғлари эрта баҳорда тўртта муддатда: 1-апрель, 10-апрель (назорат), 20-апрель, 1-май кунлари экилган. Уруғлар экилганидан то уруғлар қийғос униб чиқиш даври 11-15 кунни ташкил этди, бунда 1 чи муддатдан кейинги саналарга қараб уруғларнинг тез униб чиқишига об-ҳавонинг мўътадил шароитлари сабаб бўлди. Уруғлар ёппасига униб чиққанидан истеъмол учун яроқли барг шолғом ривожланиши учун 27-29 кун талаб этилди, ҳосилни йиғиб олишгача бўлган давр 34-39 кунни ташкил этди.

7. Барг шолғомни баҳорда етиштиришда битта ўсимликда барглар сони иккинчи муддатда 7,4 донани ташкил этиб, битта ўсимликдаги барг сонининг энг катта барг узунлигига корреляцион боғлиқлиги кучли ( $0,99\pm 0,05$ ) бўлгани қайд этилди.

8. Энг мақбул 10 ва 20 апрел экиш муддатларида Дармон навининг ҳосилдорлиги 13,4-14,7 т/га ташкил этди. Бу кўрсаткич назоратга нисбатан 2,4-4,7 т/га ёки 109,7 % юқори ҳосил олинди. Баҳорги турли муддатларда барг шолғом етиштириш бўйича муддатлар ўртасида энг юқори рентабеллик кўрсаткич иккинчи ва учинчи муддатларда бўлиб, рентабеллик даражаси 97,0-100,6 % ташкил этди.

9. Ёзги мавсумда салатбоп шолғомнинг мақбул экиш муддатларини аниқлаш

учун Гулшод нави уруғлари 20 июл, 1 август, 10 август ва 20 август саналарида экиб ўрганилди. Бунда “уруғлар экилганидан то майсалар қийғос униб чиқиш” даври 4-5 кун бўлиб, муддатлар бўйича деярли фарқ қилмади. Экиш муддатларига қараб амал даври, яъни ниҳоллар ёппасига униб чиқишдан илдизмевалар техник пишиб етилишигача бўлган давр олдингидан кейинги муддатларга қараб узайиши (56 кундан 65 кунгача) қайд этилди. Экиш муддатларига қараб амал даври узайиши об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлган ҳолда, кунларнинг совуши, ўсимликларнинг техник пишиш даврига таъсир этиб, биринчи муддатга нисбатан тўртинчи муддатда экилган ўсимликларда 8-10 кунга кеч пишганлиги кузатилди.

10. Салатбоп шолғомни ўрганилган ёзги муддатларда умумий ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич учинчи муддат (10 август)да кузатилди ва у 40,4 т/га ни ташкил этди.

11. Ёзги муддатларда экилган барг шолғомнинг Дармон нави ҳосилдорлиги экиш муддатларига қараб турлича бўлди. Энг юқори ҳосилдорлик биринчи муддатда, яъни 20 июлда кузатилди ва у 18,8 т/га ташкил этди. Ҳосилдорлик биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб борди.

12. Баҳорги муддатларда салатбоп ва барг шолғом баргининг биокимёвий таркибидаги қуруқ модда 1-апрелда (8,2 %) экиш муддатига нисбатан назорат 10-апрелда (7,8 %), 20-апрелда (7,6 %) ва 1-майда (6,8 %) бўлганлиги аниқланди. Баргдаги қанд миқдори 1-апрел (5,4%) назорат 10-апрелда (5,1 %), 20-апрелда (4,9 %) ва 1-майда (4,2 %) қайд этилди. Барг таркибидаги энг юқори нитрат 1-апрелда (175,1 мг/кг) назорат 10-апрелда (168,9 мг/кг), 20-апрелда (165,5 мг/кг) ва 1-майда (147,8 мг/кг) бўлган.

13. Салатбоп шолғомни баҳорги экиш муддатларида илдизмеванинг таркибидаги қуруқ моддалар, қанд миқдори бўйича 3-чи экиш муддати-апрел ойининг 20-санасида энг юқори кўрсаткичлари қайд этилди.

14. Ёзги мавсумда салатбоп шолғом илдизмеваларининг биокимёвий таркиби бўйича қуруқ модда миқдори 12,4 % бўлса, биринчи ва тўртинчи муддатларда экилган вариантларда бу кўрсаткич 11,2 ва 11,5 % бўлгани аниқланди. Қуруқ модда миқдорида энг юқори кўрсаткич учинчи муддатда (10.08) аниқланиб 13,5 % ташкил этди, нитратлар (N-NO<sub>3</sub>, мг/кг) миқдори бироз пасайганлиги таҳлилий натижаларда маълум бўлди.

15. Салатбоп шолғом ўсимлиги салқинсевар бўлгани учун августнинг 1-10 кунларида экилган шолғом илдизмеваларни биокимёвий моддалар таркиби бироз юқори бўлганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон кескин континентал об-ҳаво ва тупроқ иқлим шароитида шолғом етиштиришда юқори самарадорликка эришиш учун фермер ва деҳқон хўжаликларига:

Баҳорги мавсумда салатбоп шолғомнинг “Гулшод” нави ва барг шолғомнинг “Дармон” навлари уруғларини апрел ойи 2 декадасида экиш тавсия этилади.

Ёзги мавсумда етиштиришда салатбоп шолғомнинг “Гулшод” нави уруғларини август ойи 1-чи декадасида (1-10 август), барг шолғомнинг “Дармон” навини июл ойи 3-чи декадасида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

---

**\_НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ОВОЩЕ-  
БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

**ДЖАЛИМБЕТОВ МУСА АЯПБЕРГЕНОВИЧ**

**УСТАНОВЛЕНИЕ ВЛИЯНИЯ СРОКОВ ВЕСЕННЕГО И ЛЕТНЕГО  
ПОСЕВА НА МОРФО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И  
УРОЖАЙНОСТЬ САЛАТНОЙ И ЛИСТОВОЙ РЕПЫ (В УСЛОВИЯХ  
КАРАКАЛПАКСТАНА)**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии за номером B2023.4. PhD/Qx1259.**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каракалпакском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета ([www.sabzavotilm.uz](http://www.sabzavotilm.uz)) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Дусмуратова Саодат Исмаиловна</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Асатов Шухрат Исматович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Сапарниязов Иномжан Артикбаевич</b> доктор философии сельскохозяйственных наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий</b>

Защита диссертации состоится “\_\_” \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 при НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, а/б Куксарой НИИОБКиК. Тел.:(+99871)226-85-03; факс:(+99871) 226-85-03; e-mail:savzavot\_info@umail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (зарегистрирована за номером №\_\_\_\_\_). (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, а/б Куксарой НИИОБКиК. Тел.: (+99871)226-85-03).

Автореферат диссертации разослан “\_\_” \_\_\_\_\_ 2025 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от “\_\_” \_\_\_\_\_ 2025 года.).

**Р.А.Низомов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,  
профессор

**Ф.Ф.Расулов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
философий (PhD) по с-х. наукам, старший  
научный сотрудник

**А.Ж.Шокиров**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.с.х.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** На сегодняшний день в мире репа выращивается на общей площади 1,4 млн.га, валовые сборы составляют около 38,8 тыс.т., средняя урожайность - 28,4 т/га<sup>1</sup>. В США, Японии, Китае, Ирландии, Израиле, России, Швеции, Англии, Бельгии и других странах Европы репа является одной из основных культур. Имеются скороспелые сорта репы, которые созревают наравне с редисом. Эти сорта относятся к японской селекции, выращиваются в Японии, Индии, Канаде, Дании, Франции, Италии, Голландии и других странах. Широкое распространение и его экономическое значение тесно связано с его скороспелостью, хорошим вкусом и пищевой ценностью.

Расширение ассортимента новых видов овощей, богатых витаминами и минеральными солями, имеет важное значение для организации здорового питания населения. Интродукция в нашу республику репы листовой, широко распространенной в странах Юго-Восточной Азии, и совершенствование технологии возделывания этой культуры является одним из актуальных вопросов. В настоящее время в Российской Федерации и ряде европейских стран выращивается салатная и листовая репа, создаются новые сорта. Одной из актуальных задач в овощеводстве является наиболее полное удовлетворение потребностей местного населения в продовольственной продукции в каждой природно-климатической зоне республики.

В Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5853 от 23 октября 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»<sup>2</sup> и Указе №УП-60 от 28 января 2022 года «Об утверждении Стратегии развития Нового Узбекистана» в поставленных целях 30 отмечается: «Путем интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе доходы дехкан и фермеров должны быть увеличены не менее чем в 2 раза, доведение ежегодного роста сельского хозяйства не менее чем до 5 процентов, в том числе выращивание экспортоориентированной продукции и развитие плодоовощеводства».<sup>3</sup>

